

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ШАРИПОВА МУНИРА ХАМИДУЛЛАЕВНА

ШАЙБОНИЙ «ДЕВОН»ИНИНГ ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати**

Тошкент – 2021

УЎК: 821.512.133(093) (Шайбоний)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Шарипова Мунира Хамидуллаевна

Шайбоний «Девон»нинг поэтик хусусиятлари

Шарипова Мунира Хамидуллаевна

Поэтические особенности «Дивана» Шайбани

Sharipova Munira Khamidullaevna

Poetic features of Shaybani's «Devon»
.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ШАРИПОВА МУНИРА ХАМИДУЛЛАЕВНА

ШАЙБОНИЙ «ДЕВОН»ИНИНГ ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.1.PhD/Fil40 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.tai.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Болтабоев Ҳамидулла Убайдуллаевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Асадов Мақсуд Ҳусенович
филология фанлари доктори

Абдуллаева Марғуба Дусмиратовна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси ЎзР Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (71) 233-36-50; fax: (71) 233-71-44; e-mail: uzlit.@uzsci.net.)

Диссертация билан ЎзР Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (71) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2021 йил _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Ф.Каримов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
филол.ф.д., академик

Р.Баракаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

И.Ч.Ҳаққулов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси, филол.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида миллий ва умумбашарий эзгу ғоялар тарғиб қилинган, инсон маънавий камолоти билан боғлиқ азалий қадриятлар тараннум этилган ва бадий-эстетик тафаккур тараққиётига хизмат қилган асарлар шарқшуносларнинг доимий диққат марказида бўлиб келган. Бу эса муайян ижодкор ҳаёти ва адабий мероси манбалари, поэтик тафаккури тадрижи, анъана ва янгилик, адабий таъсир каби масалаларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек давлатчилигини юз йил бошқарган шайбонийлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Шайбонийхон «Девон», «Баҳр ул-худо» номли қасида, ислом ҳуқуқшунослигига оид рисола ва туркий тил қонун-қоидалари каби асарлар муаллифидир. Мазкур адабий-илмий меросни шоир биографияси, дунёқараши, бадий маҳорати, ўзига хослиги нуқтаи назаридан янгича ёндашув ва тамойиллар асосида илмий-назарий тадқиқ этиш зарурий вазифалардандир.

Дунё адабиётшунослигида ўтмиш ижодкорларининг фаолияти ва шахсияти масаласига бўлган муносабатни давр кесимида баҳолаш, адабий меросининг бирламчи манбаларини излаб топиш ва ўрганиш изчиллик билан давом этмоқда. Хорижлик тадқиқотчилар Шайбонийхон асарларини туркий адабиётнинг ўзига хос бир намунаси сифатида эътироф этганлар ва диққатга сазовор натижаларга эришганлар. Айниқса, қардош Туркияда шоир ижодиётига холисона баҳо берилгани, асарлари турли йўналишларда ўрганилгани ва юксак нашрий савияда чоп этилгани муаммонинг нақадар долзарб эканлигини тасдиқлайди.

Истиқлол даври ўзбек адабиётшунослигида тарихимиздаги унутилган сиймолар, ҳукмдор шахслар ва тасаввуф намояндаларининг ижодини ўрганиш сари жиддий қадам ташланди. Мамлакатимиз миқёсида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, адабиёт ва маънавиятга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлиги бадий-илмий тафаккур дурдоналарини янгича инкишоф этишни талаб қилмоқда. Зеро, «ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилиш, кўп қиррали бу мавзуни бугунги кунда дунё адабий маконида юз бераётган энг муҳим жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил этиб, зарур илмий-амалий хулосалар чиқариш катта аҳамиятга эга»¹ бўлиб бораётган ҳозирги даврда Шайбонийхон фаолияти ва ижодий меросини илк маротаба монографик тарзда тадқиқ этиш адабиётшунослигимизни янгича қараш ва таҳлиллар билан бойитишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3074-сон «Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табриги // Халқ сўзи. 2018 йил 8 август.

этиш марказини ташкил этиш тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги 3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муҳаммад Шайбонийхон фаолиятини ўрганиш ўзи ҳаётлик вақтидаёқ бошланган ва шайбонийлар сулоласи салтанат тепасида турган йилларда самарали давом этган. Мулла Шодий («Фатҳномаи хоний»), Муҳаммад Солиҳ («Шайбонийнома»), Камолиддин Биноий («Шайбонийнома»), Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон («Меҳмонномаи Бухоро»), Хондамир («Ҳабиб ус-сияр»), Заҳириддин Муҳаммад Бобур («Бобурнома»), Мирзо Муҳаммад Ҳайдар («Тарихи Рашидий»), Зайниддин Маҳмуд Восифий («Бадоеъ ул-вақоеъ»), Муҳаммад Фаҳрий Ҳиравий («Равзат ус-салотин»), Ҳасанхожа Нисорий («Музаққири аҳбоб»), Мутрибий Самарқандий («Тазкират уш-шуаро»), Ҳофиз Таниш Бухорий («Абдулланнома»), Муҳаммадёр ибн Араб Муҳаммад Қатаған («Мусаххир ал-билод»), Алоуддавла Ҳусайн Қазвиний («Нафоис ул-маосир»), Сом Мирзо («Тухфаи Сомий»), Абулғозий Баҳодирхон («Шажараи турк»), Худоёрхонзода («Анжум ат-таворих») каби адиб, муаррих ва тазкиранависларнинг асарлари Шайбонийхон ҳақида маълумот берувчи муҳим манбалардир. Қайд қилиш ўринлики, Шайбонийхон фаолиятига бағишланган тарихий манбалар ниҳоятда кўп бўлганлиги билан шоирнинг ижодий-маънавий қиёфаси ёритилган ва адабий меросидан намуналар ҳавола этилган асарларнинг сон-салмоғи унчалик катта эмас.

XX аср ўзбек адабиётшунослигида Шайбоний ҳақида профессор Абдурауф Фитрат биринчилар қатори сўз юритган². О.Шарафиддинов, Ҳ. Зариф, П.Қайюмов, Н. Маллаев, А. Иброҳимов, Э.Аҳмадхўжаев, И.Бекжон, Н.Ҳасан каби олимлар томонидан шоир ижодига маълум даражада эътибор қаратилган³. Рус шарқшуносларидан академик В. В. Бартольд, профессорлар

² Фитрат А. Танланган асарлар. Уч жилдлик. 2-жилд (нашрга тайёрловчи Ҳ. Болтабоев). – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 56.

³ Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси (тузувчи О. Шарафиддинов). – Тошкент: Ўздавнашр, 1945. – Б. 24–27; Навоий замондошлари (нашрга тайёрловчи Ҳ. Зариф). – Тошкент: Ўздавнашр, 1948. – Б. 171–176; Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий (нашрга тайёрловчи А.Қаюмов). – Тошкент: ЎЗР ФА Кўлөзмалар институти тахририй нашриёт бўлими. Уч жилдлик. 1-дафтар. 1998. – Б. 44–47; Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент:

А.А.Семенов, Б. Д.Греков, А.Ю.Якубовский ва бошқалар шайбонийлар даври тарихи, адабиёти билан боғлиқ масалалар юзасидан талай ишларни амалга оширганлар⁴. Шайбоний «Девон»и ҳақида илк бор профессор Аҳмад Заки Валидий Тўғон ахборот берган. Унинг «Шайбоқхоннинг шеърлари»⁵ номли мақоласи шоир «Девон»ини илм оламига олиб кирган. «Девон» фанга маълум бўлгач, жаҳон туркийшунослигида у бўйича илмий изланишлар олиб борилган. М.Ф.Кўпрулу, М.Кафали, А.Ўзай, К.Эраслан, Я.Қорасўй, А.Ф.Билкан ва бошқа турк олимлари Шайбонийхон фаолиятига ҳолис муносабатда бўлганлар, асарларини нашр эттирганлар ҳамда йирик шоир сифатида тан олганлар⁶. Шайбонийхон фаолияти ва ижодий мероси Европа ва Америка туркийшуносларининг ҳам диққат-эътиборини ўзига тортган. Бу борада Ҳ.Вамбери, Я.Экманн, А.Бодроглигетти, Э.Олворт каби олимлар тадқиқот олиб борганлар⁷. Истиклолнинг илк йилида «Турк саройидаги нодир асар» номли мақола муаллифи профессор Темур Хўжа ўғли юртимиз илмий-адабий жамоатчилигига шоир «Девон»и ҳақида хабар бериб: «Чигатой туркий адабиётининг муҳим шоирларидан бири бўлган Шайбонийхоннинг шеърлари устида ўзбек тилшунос ва адабиётшунослари томонидан ҳам илмий тадқиқот олиб борилади», – деб ёзган эди⁸. Шундан сўнг Шайбоний шеърляти ва ижтимоий-сиёсий фаолиятининг айрим қирралари тўғрисида бирмунча тасаввур берувчи ва илиқ таассурот қолдирувчи ишлар пайдо бўла бошлади⁹. Тадқиқотчи М.Тожибоев «Муҳаммад Шабоний девони тилининг лексик-

Ўқитувчи, 1963; Иброҳимов А. И. XVI аср ўзбек адабиётининг асосий хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.94–97; Аҳмадхўжаев Э., Бекжон И. Ҳидоят йўли // Қалб кўзи. 1995 йил февраль; Ҳасан Н. XVI аср ўзбек адабиётида Яссавий анъаналари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2004. 2-сон. – Б. 26–34; шу муаллиф: Яссавийликка доир манбалар ва «Девони ҳикмат». – Тошкент: Akademnashr, 2012. – Б. 223–231; шу муаллиф: Яссавийликка доир манбалар ва «Девони ҳикмат»: Филол.фан д-ри (DSc) дисс.автореф. – Тошкент, 2017.

⁴ Бартольд В. В. Сочинения. В девяти томах. – Москва: Наука, 1964. т.II. часть 2; 1968. т.V; Семенов А. А. Первые шейбаниды и борьба за Мавераннахр. – Сталинабад, 1954; шу муаллиф: К вопросу о происхождении и составе узбеков Шейбани-хана. – Душанбе, 1954; Якубовский А.Ю. Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида. – Тошкент, 1941; Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Олтин Ўрда ва унинг қулаши. – Тошкент: Ўқувпедавнашр, 1956.

⁵ Togan A.Z. Velidi.Şaybak Han'in şiirleri // Yeni Türkistan. Nu:1. – İstanbul, 1927. – S.21–25.

⁶ Togan A.Z. Velidi. Bugünkü Türk ili. Türkistan ve Yakın Tarihi. – İstanbul, 1947; Köprülü F. / Çağatay Edebiyatı. İslam Ansiklopedisi. C. 3. – İstanbul, 1950. – S. 270–323; Özay A. Şeybani Han Divanı. – İstanbul, 1968 (İÜEF mezuniyet tezi, T. 797); Kocaoğlu T. Şeybani Han'ın Hayatı, Sanatı ve Divanı'nın 117. Gazele Kadar Transkripsiyonu. – İstanbul, 1971 (İÜEF mezuniyet tezi, T. 1043); Kafalı M. Şiban Han Sülalesi ve Ozbek Ulusu. Atsız Armağanı, Ötüken Yayınevi. – İstanbul, 1976. – S. 295–306; Eraslan K. Şibânî Han'ın 'Bahru'l-Hüdâ' Adlı Eseri. TKA. XXVIII/1–2. – Ankara, 1991. –S.103–177; Karasoy Y. Şiban Han Divanı. İnceleme-Metin. – Konya, 1989; шу муаллиф: Şiban Han Divanı. İnceleme-Metin-Dizin-Tıpkıbasım. – Ankara, 1998; Bilkan A.F. Türk Edabiyatında mu'ammâ. – Ankara: Akcag, 2000. – S.130.

⁷ Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990; Eckmann J. Çağatay dili hakkında notlar. TDAY-Belleten. 1958. – S. 115–126; Bodrogliget A. J.E. Muhammad Shaybani's 'Bahru'l-huda'. Ural-Altaic Yearbook. Eurolingua, 1982. – P. 3–40; Edward A. Allworth. The Modern Uzbeks. – California, 1990.

⁸ Темур Хўжа ўғли. Турк саройидаги нодир асар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991 йил 20 декабрь.

⁹ Мирзо Кенжабек. Кўнгул ганжинаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992 йил 30 октябрь; Бекжон И. Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаққир аҳбоб» тазкираси ва XVI аср ўзбек адабиёти: Филол.фан.номз. дисс. – Тошкент, 1993. – Б. 151–156; Аҳмадхўжаев Э., Бекжон И. Ҳидоят йўли // Қалб кўзи. 1995 йил февраль; Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар... / Давлатимизни юз йил бошқарган сулола. – Тошкент: «Шарқ» НМК, 1999. – Б. 29–47; Маънавият юлдузлари / Муҳаммад Шайбонийхон. – Тошкент: Халқ мероси нашриёти, 2001. – Б. 279–281; Ҳасан Н. XVI аср ўзбек адабиётида Яссавий анъаналари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2004. 2-сон. – Б. 26–34; Э.Очилов. Шайбоний ижодида Навоий анъаналари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2020. 1-сон. – Б. 39–43.

семантик хусусиятлари»¹⁰ мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Бироқ шу кунга қадар ўзбек адабиётшунослигида Шайбоний илмий-ижодий биографияси бўйича алоҳида иш яратилмаган, ҳаёти ва адабий мероси, XVI аср ижтимоий-маданий муҳитидаги мавқеи юзасидан фундаментал тадқиқот олиб борилмаган, «Девон»и ва «Баҳр ул-худо» қасидаси махсус тадқиқ этилмаган. Бинобарин, шоир сифатидаги қиёфаси тўла очиб берилмаган. Ушбу диссертация илмий-адабий эҳтиёждан келиб чиқиб шу вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек адабиётшунослиги кафедрасининг «Бадиий матн ва унинг поэтикаси» мавзусидаги илмий йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Шайбоний «Девон»ини илмий тавсиф этиш, шеърятининг жанр таркиби, мавзу кўлами ва ғоявий-бадиий хусусиятларини ёритиш, шоир ижодида адабий анъана, янгилик ва ўзига хосликларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Шайбонийхон ҳаёти ва фаолиятининг ўрганилиш тарихини текшириш асосида унинг илмий таржимаи ҳолини яратиш;

ижодкор шаклланган адабий муҳит манбаларини аниқлаш ва асарлари мавжуд манбаларни тизимли ёритиш;

Шайбоний «Девон»ининг илмий тавсифини амалга ошириш, шеърларнинг жанр таркиби, мавзу доираси ва ғоявий-бадиий хусусиятларини белгилаш;

«Баҳр ул-худо» қасидасида шоир фалсафий-маърифий ва диний-тасаввуфий дунёқарашининг ифодаланишини тадқиқ этиш;

Шайбоний шеърятига Аҳмад Яссавий, Саид Имомиддин Насимий, Ҳофиз Хоразмий, Алишер Навоий каби салафларнинг адабий таъсири ва шоир ижодида анъанавийликнинг акс этишини бадиий талқинлар асосида далиллаш;

«Девон»да қўлланган поэтик воситалар, ифода усуллари, бадиий санъатлар орқали шоирнинг бадиий маҳорати ва ижодининг ўзига хос қирраларини очиб бериш.

Тадқиқот объекти сифатида Шайбонийнинг Истанбулдаги Тўпқоппи саройи кутубхонасида 2436 инвентарь рақами билан усмонли турк султони Аҳмад III (1673–1736) муҳри остида сақланаётган «Девон»и ва Британия музейи кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари бўлимидаги Add.7914 инвентарь рақамли мажмуа таркибидан ўрин олган «Баҳр ул-худо» қасидаси қўлёзма нусхалари олинди.

Тадқиқотнинг предмети Шайбоний «Девон»и ва «Баҳр ул-худо» қасидасининг жанр хусусиятлари, мавзу доираси ва ғоявий-бадиий йўналиши масалалари ташкил этади.

¹⁰ Тожибоев М. Муҳаммад Шабоний девони тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол.фан.номз. дисс. – Тошкент, 2004.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихий-қиёсий, тавсифлаш, биографик, бадиий матн таҳлили усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Шайбоний асарлари, тарихий манбалар ва тазкиралардаги маълумотлар асосида шоирнинг илмий таржимаи ҳоли яратилган, шахсияти, маънавий-ахлоқий қиёфаси, давр адабий-маданий ҳаётида тутган ўрни ва илм-фан ҳомийси сифатидаги хизматлари кўрсатилган;

Шайбоний ижодиёти биринчи марта кенг илмий муомалага киритилган, «Девон»ининг аниқ ва муфассал илмий тавсифи берилган, шеърларнинг жанр таркиби, мавзу кўлами ва ғоявий-бадиий хусусиятлари ёритилган;

«Баҳр ул-худо» қасидасининг жанр хусусиятлари, мавзу қамрови ва ғоявий мазмуни асосида Шайбонийнинг фалсафий-маърифий, диний-тасаввуфий фикр-қарашлари очиб берилган;

Шоирнинг Аҳмад Яссавий, Саид Имомиддин Насимий, Ҳофиз Хоразмий, Алишер Навоий каби улуғ сўз санъаткорларига услуб ҳамоҳанглиги, бадиий ғоя ва фикр йўсинига уйғунлик масалаларида издошлиги анъана ва муштараклик нуктаи назаридан далилланган;

Шайбоний шеърлятида қўлланган поэтик воситалар, халқ оғзаки ижодиётига мансуб ифода усуллари ва талмех, сажъ, мусажжаъ, тажнис сингари бадиий санъатлар таҳлили орқали шоир ижодининг ўзига хосликлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Шайбоний ижодини тадқиқ этиш натижасида чиқарилган илмий хулосалар ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек адабиётшунослиги фанларини янги илмий-назарий қарашлар билан бойитиш баробарида мазкур фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг такомиллашувига хизмат қилиши асосланган;

Шайбоний адабий меросини тарғиб ва ташвиқ қилиш бугунги кунда долзарб вазифа эканлиги, «Девон»и ва қасидасида илгари сурилган умуминсоний ғоялар ҳозирги замон кишиларининг маънавий-маърифий ва ахлоқий-эстетик жиҳатдан шаклланишида муайян даражада аҳамиятга эга эканлиги исботланган;

«Девон»нинг поэтик хусусиятлари, ғоявий-бадиий жиҳатлари, адабий таъсир, издошлик ва ўзига хослик масалалари тадқиқи натижасида ўзбек адабиёти тарихи ва ўзбек адабиётшунослиги йўналишлари учун зарур илмий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги бирламчи тарихий-адабий манбалар, ишончли илмий нашрлардан фойдаланилганлиги, адабиётшуносликдаги назарий қарашларга мувофиқ илмий натижа ва хулосалар чиқарилганлиги ҳамда улар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти XVI аср ўзбек адабиёти тарихи ва тараққиёт босқичларини чуқурроқ ўрганишга ёрдам бериши, Шайбоний фаолияти ва адабий шахсияти борасидаги баҳс-мунозараларнинг бир қадар ойдинлашиши,

давр адабиёти ҳақидаги билим ва тасаввурларни янада бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундаги маълумот ва хулосалардан ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек адабиётшунослиги фанларидан олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, академик лицей ва умумтаълим мактаблари учун дарслик, ўқув қўлланма ва маъруза матнларини тайёрлашда, амалий машғулот, семинар ва махсус курслар олиб боришда, Шайбоний асарларини оммага етказишда, маънавий-маърифий меросимизни тарғиб этиш ишларида XVI аср маданий ҳаётига доир қўшимча манба сифатида истифода қилиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шайбоний адабий мероси ва «Девон»ининг поэтик хусусиятлари тадқиқи бўйича эришилган илмий натижалардан:

Шайбоний ижодида тарихан қадимги туркий халқлар оғзаки ижодига хос хусусиятларнинг, хусусан сажъ, мусажжаъ ва тажнис санъатларининг ўзига хос тарзда акс этганлиги, Шайбоний ва ундан бошланган шайбонийлар даври шеърлятида адабий тил ва ифоданинг соддалашганлиги ҳамда адабиётнинг халқ жонли тилига яқинлашганлиги юзасидан чиқарилган илмий-назарий хулосалардан ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф-1-005 рақамли «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ қилиш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 3 августдаги 190/1-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари туркий халқлар тили ва адабиётининг муштарак ва фарқли жиҳатларини асослашга хизмат қилган;

Шайбоний «Девон»ининг матн хусусиятлари, шоир ижодига Аҳмад Яссавий, Саид Имоиддин Насимий, Ҳофиз Хоразмий, Алишер Навоий каби каби сўз санъаткорларининг адабий таъсири ва бу таъсир асарларнинг мазмун-моҳияти, ифода усули ва образлар оламидаги уйғунликда акс этганлиги ҳақидаги илмий хулосалардан Озарбайжон Миллий Фанлар академияси Низомий Ганжавий номли Адабиёт институтида «Манбашунослик ва матншунослик», «Туркий халқлар адабиёти тарихи», «Қардош халқлар адабиёти», «Адабий алоқалар» каби фанларни ўқитишда фойдаланилган (Озарбайжон МФА Адабиёт институтининг 2021 йил 14 апрелдаги маълумотномаси). Натижада талабаларнинг ўзбек мумтоз адабиётига оид билимлари оширилишига эришилган;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканалининг «Бедорлик», «Ижод завқи», «Таълим ва тараққиёт», «Миллат ва маънавият» кўрсатув ва эшиттиришларининг 2020 – 2021 йилларда эфирга узатилган сонлари сценарийларини тайёрлашда Шайбонийнинг маърифатпарварлик фаолияти, илм-фан ҳомийси сифатидаги хизматлари ва ўзбек мумтоз адабиёти тарихида тутган ўрни масаласига доир материаллардан фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2021 йил 3

майдаги 1-47-21-сонли маълумотномаси). Натижада кўрсатув ва эшиттиришларда ёритилган адабий масалалар илмий далиллар билан таъминланган ва Шайбоний ижодининг тарғиб этилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро, 8 та республика конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 31 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, 1 та рисола, ЎЗР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналда нашр этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти фаслни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 165 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорийланиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг дастлабки боби «**XV–XVI асрлар ўзбек адабиёти контекстида Муҳаммад Шайбоний ижоди**» деб номланган. Бобнинг «**Шайбонийхон ҳаёти ва ижодининг ўрганилиш тарихидан**» номли биринчи фаслида XVI асрда ёзилган тарихий-адабий асарларнинг Шайбонийхон билан боғлиқ жиҳатларига, даврнинг маданий-маърифий муҳитидан дарак берган нуқталарига аҳамият қаратилган. Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», номаълум муаллифнинг «Таворихи гузида – Нусратнома», Фазлуллоҳ Рўзбеҳоннинг «Меҳмонномаи Бухоро», Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаккири аҳбоб», Муҳаммад Фаҳрий Ҳиравийнинг «Равзат ус-салотин», Сом Мирзонинг «Тухфаи Сомий» номли асарлари Шайбоний ижодидан намуналар келтирилган манбалардир. Бироқ улардаги шеърларнинг айримлари шоир «Девон»ида учрамайди. Фақатгина Муҳаммад Солиҳ «Шайбонийнома» достонида келтирган 52 мисра шеърнинг барчаси Шайбоний «Девон»ида бор.

Ҳасанхожа Нисорий «Музаккири аҳбоб» тазкирасида Шайбонийнинг «Яхши шеърлари бор... Бу туюқни ҳам манзур бўларлик айтган» деб қуйидаги туюқни келтирган:

*Сўғд ичида ўлтурурлар ёбулар,
Ёбуларнинг минган оти ёбулар.
Ёбуларнинг илгидан эл тинмади,*

*Ё булар бўлсин бу ерда, ё булар*¹¹.

Маълумки, адабиётшунослик фанида муаллифлик масаласида мунозарали нукталар, турли чалкашликлар учраб туради. «Ёбулар» сўзига айtilган мазкур туюқ тазкира маълумотига асосланиб, Шайбонийга нисбат берилиб келган. Бизнингча, бу ўринда Нисорий янглишган. Чунки Шайбоний «Девон»ида 13 та туюқ мавжуд бўлса-да, бироқ юқоридаги туюқ «Девон»да йўқ. У Убайдийнинг ЎзР ФАШИ Кўлёмалар фондида сақланувчи 8931 рақамли куллийети таркибидаги туркий девоннинг 540-бетида берилган. Профессор А.Ҳайитметов томонидан «Фароғати бор, дўстлар, гадолиғнинг»¹² сарлавҳаси остида эълон қилинган Убайдий ижодидан намуналарга ҳам, «Вафо қилсанг»¹³ номли шеърини тўпламга ҳам мазкур туюқ киритилган. Демак, «ёбулар» сўзининг тажнисига таяниб ёзилган туюқнинг ҳақиқий муаллифи Шайбоний эмас, балки Убайдийдир.

XVII–XIX асрларда яратилган тазкира, баёз ва тарих китобларида шоир «Девон»и ҳақида маълумот ва ундан олинган намуналар учрамайди. Шайбоний ижоди юзасидан ўтган асрда ўзбек адабиётшунослигида биринчи бўлиб фикр билдирган профессор А.Фитрат бўлса-да, бироқ у ўз мақоласида шоир шеърларидан намуна келтирмаган¹⁴. Академик О.Шарафиддинов, профессорлар Ҳ. Зариф, А.Иброҳимов, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи П.Қайюмовлар ўз китобларига «Меҳмонномаи Бухоро», «Музақкири аҳбоб», «Тухфаи Сомий» ва «Шайбонийнома» асарларидаги Шайбонийнинг шеърларини киритганлар¹⁵.

Темур Хўжа ўғли ва Мирзо Кенжабек илк бор Шайбоний «Девон»идаги шеърлардан намуналар эълон қилганлар¹⁶. Мактаб адабий таълимига Шайбоний ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумот ва шеърлар биринчи марта профессор Б.Қосимов томонидан киритилган¹⁷. Адабиётшунос Нодирхон Ҳасан Шайбоний «Девон»ининг Анқара нашридан 23 байт келтирган ва уларни «Девони ҳикмат»даги шеърлар билан қиёслаган¹⁸. Шайбоний шеърларининг кирилл ёзувида нашр этилган намуналари асосан юқорида

¹¹ Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб (форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжон). –Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. –Б.20.

¹² Ҳайитметов А. Фароғати бор, дўстлар, гадолиғнинг // Шарқ юлдузи. –1991. 10-сон. –Б.154.

¹³ Қул Убайдий. Вафо қилсанг (Туркий «Девон»дан намуналар. Нашрга тайёрловчи А. Ҳайитметов). – Тошкент: Ёзувчи, 1994. –Б.40.

¹⁴ Фитрат А. Танланган асарлар. 2-жилд (нашрга тайёрловчи Ҳ. Болтабоев). – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.56.

¹⁵ Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси (тузувчи О. Шарафиддинов). –Тошкент: Ўздавнашр, 1945. – Б.24–27; Навоий замондошлари (нашрга тайёрловчи Ҳ. Зариф). – Тошкент: Ўздавнашр, 1948. –Б.171–176; Иброҳимов А. И. XVI аср ўзбек адабиётининг асосий хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1976. –Б.94–97; Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий (нашрга тайёрловчи А.Қайюмов). Уч жилдлик. Тошкент: ЎзРФА Кўлёмалар институти таҳририй нашриёт бўлими. 1-дафтар. 1998. – Б.46.

¹⁶ Темур Хўжа ўғли. Турк саройидаги нодир асар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991 йил 20 декабрь; Мирзо Кенжабек. Кўнгул ганжинаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992 йил 30 октябрь.

¹⁷ Ўзбек адабиёти. 10-синф учун дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. –Б.17–19.

¹⁸ Ҳасан Н. XVI аср ўзбек адабиётида Яссавий анъаналари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2004. 2-сон. –Б.26–34.

тилга олинган ишларда бўлиб, улар «Девон» кўлэзма нусхаси билан қиёсланганда айрим хатолар борлиги маълум бўлди.

Диссертацияда Шайбонийхон фаолияти ва асарлари ҳар доим чет эллик тадқиқотчиларнинг ҳам диққат-эътиборида бўлганлиги ва бу борада бир қанча аҳамиятли ишлар амалга оширилганлиги ҳамда хориж илмий-адабий жамоатчилигининг шоир фаолиятига муносабати, ижодига оид таъкид ва қайдлари бир-бирини тўлдирувчи муштарак нуқталарга эга эканлиги аниқланган.

«Тарихий давр ва ижодкор шахсияти» номли фаслда манбалардаги маълумотлар асосида Шайбонийхоннинг илмий таржимаи ҳоли тикланган ва ижтимоий-сиёсий фаолиятининг асосий томонлари тарих ҳақиқатига мос ҳолда ёритилган. Муҳаммад Шайбонийхон XV асрда Дашти Қипчоқда ҳукм сурган кўчманчи ўзбеклар давлати асосчиси Абулхайрхоннинг набирасидир. У ҳижрий 855 (1451) йилда Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган Саброн шаҳрида дунёга келган. Туғилган жойи ҳақида «Девон»ида куйидагича маълумот бор:

*Не сўрарсен эмди мендин, айтайин сирримни мен,
Бу Шабоний орзуси туғмиш ери Саброн сари (175 б)¹⁹.*

Отаси Абулхайрхоннинг тўнғич ўғли Шоҳ Будоғ Султон, онаси қалмик подшоҳи Олтинхон наслидан бўлган Оққўзибегим эди. Тарихий асарларида Шайбонийхон онасининг исми ҳурмат юзасидан Кубробегим деб ёзилган²⁰. Абулхайрхон Муҳаммад Шоҳбахтни ва Шоҳ Будоғ Султоннинг 1454 йилда туғилган иккинчи ўғли Маҳмуд Султонни туркнинг қадимий уйғур қавмидан бўлган Уйғурбой Шайх тарбиясига беради. Уйғурбой Шайх аввал Шоҳ Будоғ тарбияси билан ҳам шуғулланган бўлиб, бу икки султонзодага ўз фарзандидай муносабатда бўлади. Уйғур уруғининг қадимдан илм-фан ва адабиётга бўлган алоҳида муҳаббатини назарда тутиб, чингизий хонзодаларнинг таълим-тарбиясида уларнинг хизмати ҳақида академик В.В.Бартольд фикрларига асослансак, Муҳаммад Шайбонийда илму урфонга, шеъриятга дастлабки қизиқишни унинг бек аткаси Уйғурбой Шайх уйғотган, деган хулосага келиш мумкин. Кейинроқ ака-укага Қарочин Баҳодир Қушчи жанг санъати сирларини ўргатади. Ўзбек амирларидан бўлган Қарочинбек боболари ўлимидан сўнг Муҳаммад Шоҳбахт ва Маҳмуд Султонни муҳофаза қилиш ва тарбиялашни ўз зиммасига олади. Уларни ўзбек султонларидан Астрахань хони Қосим Султон ҳузурига олиб келади. Қосим Султон ака-укани ўзининг амир ул-умароси Темурбекка топширади. Шундай қилиб, бу икки хонзода ўз даврининг билимли кишилари ва ҳарбий саркардаларидан таълим-тарбия оладилар.

¹⁹ Шайбоний кўлэзма «Девон»и фотонусхаси (Бу ерда рақам «Девон» варағини, ҳарф эса унинг бетини билдиради. «Девон»дан олинган кейинги мисоллар ҳам шу тарзда кўрсатилади).

²⁰ Фазлаллах ибн Рузбихан Исфохани. Михман-наме-йи Бухара; Камал-ад-дин Али Бинаи. Шайбани-Наме. Материалы по истории казахских ханств XV – XVIII веков (извлечения из персидских и тюркских сочинений). – Алма-Ата: Наука, 1969.

Абулхайрхон вафотидан сўнг (1468) қисқа вақтда унинг давлати инқирозга учрайди, қариндош-уруғлари ва тарафдорлари қирғин қилинади. Бу қирғиндан фақат ўғиллари – Кўчкунчихон, Суюнчхожахон, набиралари – Муҳаммад Шохбахт, Маҳмуд Султон ҳамда бир неча шайбоний султонлар, мулозимлар қочиб омон қоладилар. Шайбонийнинг бобоси ўлимидан кейинги ҳаёти ғоятда таҳликали кечади, Сигноқ ва Саброн атрофларида қувғинда, дарбадарликда юради. Маълум муддат Туркистонда яшайди. Шайбоний бу ерда бирмунча осуда пайтларда Ясси мадрасасида ўқийди. Бухоро нойиби Амир Абдулалӣ Тархон Шайбонийни «буюк хон»нинг набираси сифатида яхши кутиб олади. Бухоронинг исломий ўчоғида дастлаб ўша даврнинг машҳур илоҳиёт олими Муҳаммад Хитойӣ ҳузурида таҳсил олиб, Қуръони карим қироати илмини эгаллашга қаттиқ бел боғлайди. Сўнгра ҳофизлар пешвоси Жалолиддин Маҳмуд ёрдами билан қироат қоидаларининг нозик томонларидан ҳам тўла хабар топиб, Қуръон илмида янада мукамаллик даражасига етади. Шу йиллар мобайнида Бухоронинг кўплаб олимлари, ҳофизи қуръонлари, шулар жумласидан Ҳофиз Ҳасан Басир, Ҳофиз Ҳамид кабилар билан суҳбат ва дарслар олиб бориб зоҳирий ҳамда маънавий илмларда камол касб этади²¹. Бухоро мадрасаларида олинган таҳсил ижодкор фитрати шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Шайбоний кейинчалик шеърларида Бухородаги ҳаётини, устозларини кўп эслайди, Муҳаммад Хитойӣни ўз пири мураббийси сифатида эътироф этади, вафоти таърихини ҳам битади. Абдулалӣ Тархон билан яқин муносабатда бўлиш, темурийлар билан учрашиш, олим ва адиблар билан мулоқот қилиш Шайбонийнинг навбатдаги ишларига ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам Бобур, Шайбонийхоннинг бу даражада тараққий топишига ва темурийларнинг қадимги ҳокимиятига зарар етишига Абдулалӣ Тархон сабабчи бўлган, деб ҳисоблайди²². Ҳасанхожа Нисорийнинг маълумотига кўра, айрим мунофиқ кимсаларнинг тухмати туфайли Абдулалӣ Тархон билан Шайбонийхон ўртасидаги муносабатлар барҳам топган ва у Бухорони тезликда тарк этишга мажбур бўлган экан. Шунда Шайбоний Баҳоуддин Нақшбанд мазорига бориб бироз муддат шу ернинг шайхи Низомиддинхожа Мир Муҳаммад Нақшбанд хизматида бўлган. Шайх унга курашни Туркистон тарафлардан бошлашни тавсия этган экан²³.

Шайбонийхон бутун ҳарбий-сиёсий фаолияти давомида Дашти Қипчоқ, Хоразм, Мовароуннаҳр ва Хуросонни ягона бир марказ – Самарқанд остида бирлаштиради. У исломнинг заифлашувига сабаб бўладиган мазҳаблараро можароларга чек қўйиш мақсадида Эрон шоҳи Исмоил Сафавийга қарши жанг қилади. Муҳораба Мурғоб дарёси соҳилида бўлади ва кўрғон билан ораси

²¹ Муҳаммадёр ибн Араб Муҳаммад Қатаган. Мусаххир ал-билод (форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари И.Бекжонов, Д.Сангирова). –Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. –Б.35.

²² Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома (П.Шамсиев, С.Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов). –Тошкент: «Шарқ» НМАК Бош таҳририяти, 2002. –Б.45-46.

²³ Ҳасанхожа Нисорий. Музаққири аҳбоб. –Тошкент: Абдулла Қодирӣ номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. –Б.19.

узилганлиги сабабли ўзбеклар кўшини ортга чекина олмайди. Шоҳ Исмоил лашкари Шайбонийхон кўшинини куршовга олиб тор-мор қилади. Жангда оғир яраланган Шайбонийхон ҳижрий 916, милодий 1510 йилнинг 4 декабрида ҳалок бўлади.

Диссертацияда Шайбонийхоннинг давлат бошлиғи сифатида маданий ҳаётга, илм-фан равнақига катта эътибор қаратганлиги, у барпо этган давлат узоқ асрлик ўзбек давлатчилиги тарихида ўзидан бой адабий ва маданий мерос қолдирганлиги, ҳаёти ва фаолияти давомида бир ҳукмдор ва бир ижодкор амалга ошириши мумкин бўлган вазифаларнинг барчасини бажарганлиги ёритилди. Хондамир ва Муҳаммадёр ибн Араб Муҳаммад Қатағаннинг асарларида ёзилишича, Шайбонийхонга «Имом уз-замон, халифат ур-рахмон» унвони берилган. Бундай юксак шарафга исломга бўлган тенгсиз муҳаббати, эътиқоди, ёт диний оқимларга қарши курашдаги ғалабаси ва қудратли давлат барпо этганлиги учун сазовор бўлганки, бунга, албатта, ёшликдаги ўқиш, изланиш ҳам замин ҳозирлаган. Шуниси эътиборлики, умрининг кўп қисми от устида, қувғинда, жангу жадалларда ўтганига қарамай, турли илму санъатларни пухта эгаллаган. Бу ҳақда шарқшунос А.А.Семенов: «...олимлар Шайбонийхон фақат дарбадарликда кечган ҳаётида қандай қилиб бундай камолотга эришди экан, дея ҳайратланадилар»²⁴, – деб ёзган эди. Шайбонийлар сулоласининг кейинги вакиллари ҳам унинг маърифатпарварлик ва бунёдкорлик фаолиятини, ислоҳотчилик сиёсатини давом эттирадилар. Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музақкири аҳбоб» тазкирасида 288 нафар, Мутрибий Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» асарида 320 дан ортиқ XVI асрда яшаган шоир, адиб ва олимлар ҳақида маълумотлар ҳамда уларнинг ижод намуналари келтирилганлиги ҳам шайбонийлар даврида адабиёт ва илм-фан юксалишда бўлганини тасдиқлайди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Шайбоний адабий мероси**» деб номланган. «**Шайбоний «Девон»нинг жанр таркиби, мавзу доираси ва зоявий-бадиий кўлами**» номли фаслда дастлаб «Девон»га муфассал илмий тавсиф берилган. Шайбоний «Девон»ининг ягона қўлёзмаси Истанбулдаги Тўпқопи саройи кутубхонасида 2436 тартиб рақами билан қайд қилинган. Қўлёзма теридан тайёрланган тўқ жигар ранг жилд ичида бўлиб, жилдда маймун расми солинган ўймалар бор. Қоғози оҳорли ва тоза зарафшон, яъни олтин суви сепилган қоғоз. Саҳифалар 13 миллиметрли хошия билан безалган. Баъзи саҳифалар жадваллаштирилган. Қўлёзма яхши сақланган, 1аб варақдан бошқа йўқолган ёки йиртилган варақлари йўқ.

Варақлар сони: 192 та (2а – 192б). Саҳифалар бичими: 22 х 32 см. Ёзув ўлчови: 14 х 20,1 см.

«Девон» жуда чиройли ва майда таълиқ хати билан зичроқ тарзда кўчирилган бўлиб, ҳар саҳифада асосан бир устунда, баъзан икки устунда 12 ёки 13 сатр шеър берилган. «Рубоиёт» қисмида ҳар саҳифада икки устунда 16–20 сатр шеър жойлаштирилган. Қўлёзма ичида ва охирида бўш саҳифалар борлиги унинг тугалланмай қолганлигини кўрсатади. Ҳеч бир ерда

²⁴ Семенов А. А. К вопросу о происхождении и составе узбеков Шейбани-хана. – Сталинабад, 1954. – С.70.

кўчирилган таърихи, манзили ва котиби ҳақида аниқ ҳужжатли қайд берилмаган, ҳеч қандай белги ва дастхат ҳам йўқ. Шайбонийнинг «Баҳр ул-худо» номли қасидасининг сўнгги саҳифаси (22б) да «Котиб Ҳофиз Муҳаммад» деб ёзиб кўйилган. «Девон» ва қасида дастхатлари ўзаро солиштирилганда котибнинг хат услуби ва ёзув навининг айнан бир хил эканлиги аниқланди ва ҳар икки асарни бир киши кўчирганлиги маълум бўлди.

Шайбоний форс тилида ҳам ижод қилганлигини Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» достони, Муҳаммад Фаҳрий Ҳиравийнинг «Равзат ус-салотин» тазкираси ва бошқа тарихий-адабий манбалар тасдиқ этади. Аммо «Девон»дан шоирнинг фақат ўзбек тилидаги шеърлари ўрин олган. Ғазалларнинг алифбо тартибида тузилиши ва сони қуйидагича:

ش - 6, س - 3, ز - 54, ر - 1, د - 1, ح - 1, چ - 3, ج - 2, ث - 3, ت - 17, ب - 13, ا - 13, ش - 6, س - 3, ز - 54, ر - 1, د - 1, ح - 1, چ - 3, ج - 2, ث - 3, ت - 17, ب - 13, ا - 13, ق - 13, ك - 5, گ - 19, ل - 14, م - 24, ن - 54, و - 6, ه - 38, ی - 35

Алишер Навоий **ث** ҳарфи юзасидан шундай фикр билдирган: «Бу ҳарфда турк шуаросининг малик ул-каломлари шеър айтмайдурлар, балки айта олмайдурлар»²⁵. Шайбоний эса бу ҳарфда «мерос» ва «ҳадис» радифли шеърлар айта олган.

«Девон» матни 2а саҳифадаги «*Андин ўлди жумла олам барқарор*» мисраси билан бошланади. 13 мисраси берилган бу ҳамд ғазалнинг илк мисраси йўқолган 1б саҳифага ёзилган бўлиши керак. Шеърлар ўзаро «Лаҳу», «Ва лаҳу», «Ва айзан лаҳу», «Ва лаҳу айзан» каби оралик сўз ва иборалар билан ажратилган. Булардан ташқари, шеър ва насрий парчалардан аввал сарлавҳа сифатида кўйилган «Тавҳиди Борий таоло», «Наъти Наби алайҳиссалом», «Ҳарф ул-алиф», «Шоҳбахтхон (халлада мулкаҳу) айтур», «Рубоийёт», «Таърихи Танбал», «Муаммоёт» сингари сўз ва жумлалар бор. Қўлёманинг 182а саҳифасидан бошлаб рубоий, туюқ, таърих, муаммо ва чистонлар ўрин олган. Булардан фақат туюқлар учун алоҳида сарлавҳа кўйилмаган. Улар рубоийлар билан аралаш ҳолда жойлаштирилган, яъни ўша даврларда туюққа алоҳида жанр сифатида қаралмаганлиги, уни рубоийнинг қофиясида тажнис санъатига риоя қилинадиган бир тури (мужаннас) сифатида таъкидланганлиги эътиборга олинган²⁶.

«Девон»нинг 46б, 47а, 49а, 50аб, 51а, 122аб, 151б, 152а, 153б, 154аб, 166б, 167аб, 168а саҳифаларида насрий матнлар ҳам бор. Диссертацияга Шайбоний «Девон»и таркибидаги жанр, байт ва мисралар миқдори аниқ кўрсатилган жадвал илова қилинган.

Қўлёммада Сулаймон Боқирғоний ва Ҳусайн Хоразмийнинг 2 мисра, Навоийнинг 8 мисра шеъри келтирилган. Шайбонийнинг укаси Маҳмуд Султоннинг 5 байтли ғазали ҳам мазкур «Девон»дан ўрин олган. Таъкидлаш жоизки, «Девон» шоирнинг барча шеърларини тўлиқ қамраб олган эмас. Шайбоний «Девон»ининг таснифий-таркибий мундарижасидан кўринадики,

²⁵ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 13-жилд. –Тошкент: Фан, 1997. –Б.170.

²⁶ Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (нашрга тайёрловчилар Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев). – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2016. –Б.24.

бу шеъррий тўплам девон тартиб бериш борасидаги ижодий тамойилларнинг кўпига риоя қилинган ҳолда тузилган. Араб алифбосининг таълиқ ва настаълиқ хатида битилган ёзма ёдгорликларга хос бўлган палеографик хусусиятларнинг аксарияти Шайбоний «Девон»и кўлёмасида ҳам акс этганлиги диссертацияда махсус кўрсатилган.

Тадқиқотда шоир тахаллуси масаласига ойдинлик киритилган. Муҳаммад Шайбонийхоннинг исми ва тахаллуси адабиётларда *Шайбоний*, *Шайбон*, *Шабон*, *Шабоний*, *Шибон*, *Шибоний*, *Шайбоқхон*, *Шоҳбахтхон*, *Шоҳибекхон* каби турли шаклларда ёзилган. «Девон»га киритилган шеърлардаги ҳолат кўйидагича: 253 та ғазалга «Шабоний», 60 та ғазалга «Шабон», 1 та ғазалга «Шоҳбахт» деб тахаллус қўйилган. 5 та ғазалда шоир тахаллуси вазн зарурати туфайли *س* «йо» ҳарфи билан «Шайбон» ва «Шайбоний» тарзида қўлланган. Шоир ҳатто рубоий, таърих, муаммо каби ихчам жанрдаги асарларининг айримларига ҳам ўз тахаллусини муҳрлаб кетган. «Баҳр ул-ҳудо» қасидасида эса 7 марта «Шабоний», 3 марта «Шабон», 1 марта «Шайбон» шакли ишлатилган. Демак, «Девон»даги деярли барча шеърларга ва қасидага шоир ўз тахаллусини «Шабоний» ва «Шабон» тарзида қўйган экан, уни шу шаклда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

«Девон»даги шеърларни мавзу жиҳатдан ишқий, ахлоқий-тарбиявий, ижтимоий-сиёсий турларга бўлиш мумкин. Аксарият шеърларда Шайбонийнинг лирик қаҳрамони шоирнинг ўзидир. Ўзининг ҳис-туйғулари, ўй-кечинмалари, орзу-умидлари, фаолияти, дунёқараши асарларида акс этади. Шайбоний ижодининг асосий қисмини азалий мавзу – муҳаббат мавзусига бағишланган ғазаллар ташкил этади. Муҳаббатнинг минг бир қирраси бор. Ҳар бир ижодкор бу қирраларни ўзича талқин қилади, ошиқликка хос руҳий ҳолатларни ўзига хос тарзда ранг-баранг лавҳаларда ифодалайди. Муҳаббатда турли хил туйғулар уйғунлашиб кетиши мумкин: қувонч ҳам, ўкинч ҳам, роҳат ҳам, алам ҳам. Шайбоний ҳам гоҳ ёрнинг ҳусн-жамолини тасвирласа, гоҳ висол орзусидан сўзлайди, гоҳ ҳижрон азобидан нола чекади. Маъшуқа чиройда тенгсиз. Шоир таърифича:

*Ул не юзи мунавваре, лом иккию шом бир,
Ул не қадди санавбаре, мор иккию дом бир (35б).*

Шайбоний – хон, аммо айти дамда севги-муҳаббатга мубтало бечора ошиқ. Шайбоний – сулолабоши, бироқ маъшуканинг мурувватига зор гадо. Шайбоний – саркарда, лекин ёрнинг ҳузурда оддий фуқаро.

*Бу Шабоний гарчи хон ўлди, гадойингдур сенинг
Ким, фидо айлар сенга юз минг мунингдек тахту тож (29а).*

Шайбоний мамлакат подшоҳи, маҳбуба эса унга ўхшаган кўплаб шоҳларнинг шоҳи:

*Ул парининг шоҳи шоҳон гар дегайлар ери бор
Ким, Шабоний подшоҳ, бўлди анинг девонаси (171а).*

«Шоҳи шоҳон» унинг бошига минг бир савдоларни солса-да, ундан воз кечмайди, хокисорлик билан мана бундай илтижо қилади:

*Қадам ер юзига қўйма, менинг кўзумга қўй, жоно
Ки, иззати таним туфроғу туфроғим губор ўлди (165а).*

Ошиқ ёридан умид узмайди, ундан вафо кутади. Барча олам менга душман бўлса, бўлаверсин, сен бор бўл. Сен менга дўст бўлсанг, бутун элнинг душманлиги ҳеч нарса эмас, дейди. Ситамкор ёр илтифотсизлиги туфайли айрилиқ изтиробида ўртанган шоир туннинг узунлигидан, ҳажрнинг узунлигидан зорланади ва:

Туфроғимни ким менинг ҳижрон суйиндин айламыш (22а), –
деган хулосага келади.

«Девон»даги қатор ғазаллар зоҳиран маъшуқа таъриф-тавсифию ошиқ аҳволи баёнидай туюлса-да, аксар ўринларда ботинан кенгроқ мазмун касб этиб боради. Шайбоний талқинича, ишқ аҳлининг бошига не турли жабру жафо келса-да, барчасини жон билан қабул қилади. Ҳар кимки ошиқ эмас экан, у риёдан, худбинликдан халос бўла олмайди. Қайси ошиқники охи дарди ҳаддан ошган экан, бу муборак дарддир. Унга Ҳақдан иноят бўлади, яъни тўғри йўл топади ва бу йўлда юришда давом этишликдан келадиган яхши оқибатлар бор.

*Эй Шабоний, жон била сен сақлагил кўнгулунг эвин,
Бир севар жонондин ўзга гайри жонон ўлмасун (131б), –*
деб ёзади шоир бир ғазали мақтаёсида. Кўнгул уйи энг муқаддас туйғу ва тушунчалар масканидир. Уни барча ёмонликлардан муҳофаза қилишни мақсад қилган шоир бу муқаддас масканда фақатгина Аллоҳ ёди, иймон-эътиқод кабилар жо бўлишини таъкидлайди.

Ахлоқий-таълимий руҳдаги ғазалларда дунёга кўнгил қўймаслик, нафсни тийиш, сабр-қаноатли бўлиш, ор-номусни юқори тутиш лозимлиги таъкидланади. Инсон ҳаёти абадий эмас, умрнинг ҳар бир дақиқасининг қадрига етиш зарур. Ёшлиқ – умрнинг гуллаб яшнаган баҳори. Уни зое ўтказмасдан, ихлос билан илм, ҳунар, ақл-хуш касб қилиш керак. Кейинги афсус-надоматдан фойда йўқ. Зеро, «айёми шайб» бир зумда келиб қолади.

*Сидраи аълога гар нафсим менинг монеъ бўлур,
Ҳимматим улдурки, мен ул ерга етсам тирмашиб (18б).*

Сидра – диний таълимотга кўра еттинчи осмондаги энг баланд дарахт бўлиб, ундан юқорига пайғамбарлар ҳам, фаришталар ҳам ўтолмайди. Шайбоний бу мисралар орқали ғоят мушкул ишга ҳам ихлос билан астойдил киришилса, унинг уддасидан чиқиш мумкинлигини таъкидламоқда. Бироқ инсоннинг юксакликка кўтарилишига ва мукамалликка эришишига унинг нафси ҳамиша тўсқинлик қилади. Нафсига кул эмас, ҳоким кимса зўр ирода ва ғайрат билан кўзлаган мақсадига етади.

Тасаввуфий мазмунда кўплаб шеърлар ижод қилган шоир бевосита тасаввуф таълимотининг асослари, талаб-қоидалари, тасаввуфдаги мақомлар тўғрисида ҳам ёзган. Тасаввуф – ишқ йўли, сир йўли, хуррият йўли²⁷. Шайбоний талқинича, ишқ йўли ғоят узун ва машаққатли. Унинг ниҳоясини ҳеч ким билмайди. Бу йўлда азобу озорлар шу қадар кўпки, уларга дош берилсагина мақсад ва муддаога эришиш мумкин. Аллоҳ жамолига мушарраф

²⁷ Ҳаққул И. Мерос ва моҳият. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б.23.

бўлиш учун сўфийлик водийларини босиб ўтиш керак. Инсон табиатидаги нафс, кибр, хирс, кўркув каби ёмон феъл-атвор бу йўлда унга тўсқинлик қилади. Уларни маҳв этиб восили Ҳақ бўлиш мумкин.

Шайбоний «Девон»ида ватан муҳаббати, ватанни ҳифзу ҳимоят қилишга даъват туйғулари билан суғорилган ғазаллар етакчи ўрин тутди. Бундай руҳдаги шеърларда Мовароуннаҳр, Туркистон ва Хуросон ўлкаларининг шаҳру қишлоқлари, тоғликлари, қиру адирлари, боғу роғлари, обу хавоси ўзгача бир меҳр билан таърифланади. Шайбоний шеърларида географик, этник номлар ва шахс номлари тез-тез учрайди. Лирик жанрдаги асарларда жой ва шахс номини ифодаловчи махсус атамаларни Шайбоний даражасида кенг қўллаган бошқа ижодкорни топиш қийин. Шайбоний мумтоз адабиётда ишора қилиш анъанавий тусга кирган машҳур тарихий шахслар, диний-афсонавий тимсоллар, бадий асар қаҳрамонларининг номларидан ташқари, аждодлари, ўзи таниган ва мулоқотда бўлган жуда кўп замондошларининг исмларини ҳам бирор муносабат билан тилга олади. Бу ҳолат шоир ижодида адабиёт билан тарихнинг уйғунлашганлигини кўрсатади.

Шайбоний пейзаж мавзусига такрор-такрор мурожаат этар экан, табиат тасвирини муайян бир жой номи ва ўша ернинг қандайдир бир хусусияти билан боғлаб гавдалантирадики, бу шеърятда кам учрайдиган ҳодиса ҳисобланади. «Девон»да шаҳар, кент ва қишлоқларнинг географик жойлашуви, шарт-шароити, иқлими, наботот, хашарот ҳамда ҳайвонот дунёсига оид маълумотлар келтирилган ғазалларни бот-бот кузатамиз.

*Бақлон, Бадахшон, Бог Ўрус йўли қоронгу, суйи йўқ,
Ишқ заврақин минмак керак, зулматда Хизр поядур (53б).*

Шайбоний табъ аҳли, ижод масъулияти, салафларга ҳурмат борасида ҳам шеърлар ёзган. Уларда шоирнинг адабий-эстетик қарашлари намоён бўлади. Бир қаламкаш сифатида адабий жараённи ва замондош шоирлар фаолиятини мунтазам кузатиб боради. Форс-тожик шоири Камолиддин Биноий ижодига юксак баҳо беради, Муҳаммад Солиҳни ҳам ҳурмат билан тилга олади. Шайбонийнинг «Эй шоирлар» деб бошланадиган қатор шеърлари ҳам борки, уларнинг барчаси ижодкорларга доимо эътибор берганлигини, улар билан тез-тез мулоқотда бўлганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Шоир Шайбоний айни чоғда қудратли ҳукмдор ва йиллар мобайнида мағлубият нималигини билмаган шижоатли лашкарбоши ҳам эди. Шу боис унинг ижодида яна бир янги мавзу кўзга ташланадики, у ҳам бўлса ҳарбий-сиёсий мавзу. Давлат раҳбари ва саркарданинг ижтимоий-сиёсий фаолиятию ҳарбий ўй-режалари акс этган шеърларда Мовароуннаҳр ўлкасини забт этгани, энди навбат Хуросон ва Эронга келгани, ёз фаслида Астрободни эгаллагани ва бошқа реал воқеалар ҳақида ёзади.

*Бу кишвар фатҳидин сўнгра умидим борки, фатҳ ўлгай
Эранлар ҳиммати бирла Хуросону Ироқу Рай (169б).*

Шайбонийнинг ҳарбий-сиёсий фаолияти заминида юзага келган бундай шеърлардаги тарихий шахслар исмлари, тарихий жой номлари ва тарихий воқеа-ҳодисаларга ишора «Девон» мазмунини ифодалашда, ўша давр муҳити тўғрисида кенгроқ тасаввур беришда ўзига хос аҳамиятга эга.

Шайбонийхон ўз тақдирини, барча кураш ва ғалабаларини Тангри таолонинг лутфу марҳаматидан деб билади. Шукронасига шариятга ривож беришни ўйлайди, ҳар доим бандалик мақомида туришни ният қилади. Айни дамда муҳораба майдонида от суриб, адабиёт майдонида қалам суриб қўлга киритган муваффақиятлари билан фахрланади:

*Шукрилиллаҳким, менга лутфи Илоҳи ёр эрур,
Ҳар не асбоби саодат, бори менда бор эрур (33б).*

*Шабоний шеърини айб этма, эй шайх
Ки, ҳар мисрайи бордур бир рисола (147а).*

Шоир бундай фахриялар битишга ҳақли эди. Зеро, бу кўҳна дунё ўз тарихида Жавоҳарлаъл Неру сўзлари билан айтганда «фақат шоҳлик мартабасидан бўлак ҳеч вақоси бўлмаган беҳисоб кўп тождорлар»²⁸ни ҳам кўрган. Шайбоний ҳарбий-сиёсий ишларда ҳамиша барқарор бўлиб, қийинчилик ва машаққатларга дош берди. Ҳаёт ҳодисотларини нозик ва теран мушоҳада қилиш уни шоирлик ва олимлик мақомига ҳам олиб чиқди. Шу ўринда яна бир бор таъкидлаш лозимки, Шайбонийнинг умр йўли бир текис, фақат зафарлардан иборат бўлган эмас. У мураккаб ҳаёт ва кураш йўлини босиб ўтган. Шеърларида баъзан «гунбази даввор аро» ҳеч бир йўл бўлмаганлигини, баъзан «ғам баҳрида гарқ ноласин» чекканлигини, баъзан «ичу тоши душман» эканлигини ёзар экан, ўзининг хатоларини ҳам тан олади.

Шайбоний «Девон»ида ғазаллардан сўнг «Рубоийёт» сарлавҳаси остида 40 та шеър келади. Уларнинг 38 таси 4 мисрадан, 1 таси 2 мисрадан ва 1 таси 6 мисрадан иборат. 13 таси туюқ бўлиб, бошқа тўртликлар билан аралаш ҳолда жойлаштирилган. Қолган 25 та тўртликнинг барчаси ҳам рубоий ҳисобланмайди. Чунки улар мазкур мураккаб жанр қонуниятларига тўлиқ жавоб бермайди. Рубоийда айтилган фикр ва хулоса мазмун-моҳияти юзасидан ҳикматли сўзлар даражасига кўтарилиши зарур. Қофияланиш тартиби бўйича ҳам, вазн нуқтаи назаридан ҳам рубоий жанри талабига айнан мос эмас. Уларни «тўртлик» деб аташ мақсадга мувофиқдир. Уларда ҳаётнинг завқ-шавқи, умр қадри, висол иштиёқи ва ҳижрон изтироби акс этади:

*Жон тоза бўлур исласа етилган гул,
Гул вақтида ичарга не яхишдур мул.
Гул ҳуснини кўргали ўзумдин бордум,
Гулга асаре қилмаса найлар булбул (182б – 183а).*

Шу билан бир қаторда, шоир дунёнинг жафокорлиги, бевафолиги ҳақида ёзади. Бу қалбга ханжар мисол ботади, лекин эр киши дунё учун ғам емаслиги керак. Инсон ҳаёти абадий эмас. Дунё ўткинчи, ҳамма нарса бирин-кетин келаверади. Фақат сабр билан уларни кузатиш керак. Ҳирс, ҳасад, ёмон феъл-атвор инсоннинг нафсини қувватлантирувчи нарсалардир. Инсон нафси билан курашда мағлуб бўлмаслиги, унинг хийлаларига учмаслиги керак.

«Девон»га туюқлар ҳам киритилган. Шайбоний «кеч» сўзининг шаклдошларини келтирган туюғида (185б – 186а) қўшимча икки мисра қўшиб, туюқнинг олти мисрадан иборат янги шаклини яратганки, бу шоирнинг

²⁸ Неру Дж. Взгляд на всемирную историю. В трёх томах. Том. 2. – Москва: Прогресс, 1981. – С.254.

